



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3-МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE-3



ТОШКЕНТ-2021

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хайрулла Бозорбоевич Рахматов,
ЎзМУ Жиззах филиали ассистенти
e-mail: khayrulla.raxmatov@gmail.com

БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ХУСУСИДА (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)

For citation: Khayrulla B. Rakhmatov, ON THE ETHNIC COMPOSITION OF THE POPULATION OF THE BUKHARA EMIRATE (Second half of the XIX century - beginning of the XX century). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.424-429

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-58>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг этник таркиби хусусидаги тадқиқотчининг фикр-мулоҳазалари қисқача баён қилинган. Унда асосан Бухоро амирлигининг маъмурий-худудий тузилиши, аҳолиси, аҳоли таркиби, этник гуруҳларнинг жойлашган худуди, сўзлашув тили ҳақида сўз боради.

Шунингдек, муаллиф мақолада XX аср бошларида Бухоро амирлиги воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва этнотопонимлар масаласини ўрганишда Зарафшон водийси айниқса муҳим ўрин тутишига эътибор қаратган.

Калит сўзлар: этнос, этногенез, амирлик, чегара, Туркистон, Зарафшон водийси, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, араблар, афғонлар, топоним, кўнғирот, этнотопоним

Хайрулла Бозорбоевич Рахматов,
Ассистент Джизакского филиала
Национального университета Узбекистана
khayrulla.raxmatov@gmail.com

ОБ ЭТНИЧЕСКОМ СОСТАВЕ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА (Вторая половина XIX века - начало XX века)

АННОТАЦИЯ

В статье кратко изложены взгляды исследователя на этнический состав населения Бухарского эмирата во второй половине XIX - начале XX веков. В нём освещаются вопросы административно-территориального устройства Бухарского эмирата, его населения, структуры населения, территории этнических групп, языка, на котором они говорили.

Автор также уделяет внимание на то, что Зерафшанская долина сыграла особо важную роль в исследовании этнического состава населения оазиса Бухарского эмирата в начале XX века и проблемы изучения этнотопонимов.

Ключевые слова: этнос, этногенез, эмиратство, граница, Туркестан, Зерафшанская долина, узбеки, таджики, туркмены, арабы, афганцы, топоним, кунгират, этнотопоним

Khayrulla B. Rakhmatov,
Assistant of the Jizzakh branch of the
National University of Uzbekistan
e-mail: xayrulla.raxmatov@gmail.com

ON THE ETHNIC COMPOSITION OF THE POPULATION OF THE BUKHARA EMIRATE (Second half of the XIX century - beginning of the XX century)

ABSTRACT

This article includes the researcher's standpoint on the ethnic composition of the population of the Emirate of Bukhara in the second half of the XIX - early XX centuries. It basically, deals with the administrative-territorial structure of the Emirate of Bukhara, its population, population structure, the territory of ethnic groups, the language of communication. Furthermore, the author of the article paid special attention to the role of the Zarafshan valley in the study of the ethnic composition and ethno-toponyms of the population of the Bukhara emirate in the early twentieth century.

Index Terms: ethnos, ethnogenesis, emirate, border, Turkestan, Zarafshan valley, Uzbeks, Tajiks, Turkmens, Arabs, Afghans, toponym, bell, ethnotoponym

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон тарихи, аждодларимиз маданий мероси, уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда таълим-тарбия соҳасида ундан кенг фойдаланиш ўсиб келаётган авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маънавиятнинг асоси бўлмиш тарих, ўтмиш воқелиги миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга, тарихий хотира эса инсонни ўзлигини танитишга, иродасини мустаҳкамлашга, унинг дунёқарашини кенгайтиришга кўмак берувчи катта куч ҳисобланади.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши натижасида юксак билимли ва интеллектуал ривожланган, маънавий баркамол авлодни юзага келтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мазкур соҳада эришилган ютуқлар ҳозирги кунда халқро ҳамжамият томонидан ҳақли тарзда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб унинг ҳудудида яшаган халқларнинг этник тарихи, келиб чиқиши, шаклланиш жараёнлари, миллий кадриятларга айланган асрий анъаналарини ўрганишга алоҳида эътибор берилди [1.4-б.].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Одатда, бирор бир халқнинг этногенезини, унинг этник қатламлари таркибини аниқламай туриб, у халқ ҳақида, у таркиб топган ҳудуд ва унинг давлатчилиги ҳақида бирор илмий тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас [2.668-б.].

Этногенез жараёнида этносни белгиловчи ҳудудий омиллар: тил ва этник ном бирлиги, этномаданий бирлик, ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик, этноним ҳамда ўзликни англаш, хусусият, фазилатлар бирлиги, сиёсий уюшма бирлиги, дин умумийлиги ва бошқа бир қатор этник аломатлар муҳим аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, Бухоро амирлиги, хусусан, унинг Зарафшон воҳаси қисми этнотопонимикасига эътибор қаратган илмий изланишларнинг катта бир қисми собиқ Шўролар даври тарихшунослигига тўғри келади. Зарафшон воҳасининг, хусусан, воҳанинг юқори қисми топонимияси А.Л.Хромов томонидан махсус ўрганилган бўлиб, тадқиқотчи тоғлик ҳудудлардаги юзлаб жой номлари (қишлоқ, мавзе, гидроним, ороним ва ҳ.к.)ни тарихий этимологик жиҳатдан таҳлил қилган. Ушбу тадқиқотчи Зарафшоннинг юқори қисми топонимларининг катта бир қисмини суғдий топонимлар ташкил қилишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, воҳанинг ушбу тоғлик ҳудудларидаги кўплаб жой номлари туркий асосда, хусусан, қадимги туркий негизда изоҳланиши диққатга сазовордир. А.Л.Хромовнинг

фикрича, бу ҳолат воҳада қадимдан суғдий ва туркий этнослар ўзаро кўшни ва аралаш яшаган.

1960-1970 йилларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, этник таркиби ҳамда минтақалардаги қатор субэтнослар бўйича Б. Аҳмедов, А.Аскарлов, К.Ш. Шониёзов, М. Эрматов, Х. Дониёров, Х. Тошев каби олимларнинг фундаментал монография ва тадқиқотлари нашр этилди. Шунингдек, С. Қораев, У. Тўйчиев каби топономист ва элшунос олимларнинг тадқиқотларида ҳам минтақанинг этногенези бўйича муҳим маълумотлар мавжуд.

Академик Б.Аҳмедов эса ўз изланишларида кўчманчи ўзбекларнинг сиёсий фаолияти, уларнинг воҳага кириб келиш ва тарқалиш жараёнларига, шунингдек, Шайбоний сулоласи вакиллариининг Зарафшон воҳасида ўтказган ер-сув ислохотлари, аҳолининг Нурота ва Зарафшон воҳаларида жойлашуви масалаларига бирмунча тўхталиб ўтган. Йирик этнограф олим К. Шониёзов эса ўзбекларнинг этник тарихида катта ўрин тутган уруғ-қабилаларга, хусусан, ўзбекларнинг қипчоқ ва қарлуқ компонентларига бағишлаб ёзган махсус монографияларида Зарафшон воҳасига эътибор қаратган.

1987 йилда Х.Тошев ўзининг “Зарафшон ўзбекларининг ижтимоий турмуши ва хўжалиги” номли асарида воҳани махсус тадқиқ қилиш жараёнида бу ҳудуд аҳолисининг Бухоро амирлиги давридаги тарихи, маданияти, турмуш тарзига атрофлича тўхталиб ўтган. Тадқиқотда тарихий манбаларга ҳам бирмунча таяниб ўтилган, воҳадаги ўнлаб қишлоқлардан тўпланган этнографик материаллардан фойдаланилган.

Бухоро амирлиги аҳолисининг таркиби, мамлакатдаги этник жараёнлар натижаси бўйича муайян тасаввурлар ҳосил қилиш учун мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларга мурожаат қилиш керак бўлади. Жумладан, этнограф олимлар А. Қаюмов, О. Бўриев, М. Усмонов каби тадқиқотчилар асосан ўтган асрларда мамлакатимизнинг жанубий вилоятларидаги этник ҳолатга тўхталган бўлиб, уларнинг изланишларида келтирилган ўнлаб атамалар (этнонимлар, этнотопонимлар, патронимлар ва ҳ.к.) XX аср илк чорагида Бухоро амирлигининг марказий вилоятлари, хусусан, Зарафшон воҳасидаги айрим жой номларининг айнан этнотопоними ёки аксинчалиги масаласини аниқлашда амалий ёрдам беради.

3. Тадқиқот натижалари:

Шу ўринда фикримизни Бухоро амирлигига қаратсак: XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлиги чегаралари Амударёнинг сўл қирғоқлари бўйлаб чўзилиб, Шимолий Афғонистон, Жанубий Туркманистоннинг Мурғоб дарёси воҳасидаги ерлар, ҳозирги Тожикистоннинг жанубий районлари, Ўзбекистоннинг марказий қисми, яъни Зарафшон дарёси, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларидаги серҳосил ерлар ва аҳолиси зич жойлашган Бухоро, Самарқанд, Қарши, Чоржўй, Термиз ва Керки каби йирик шаҳарларни қамраб олган. Амирлик ғарбий томондан Хива хонлиги, шарқий томондан эса Қўқон хонлиги билан чегарадош эди. Ўрта Осиё хонликлари орасида Бухоро амирлиги ўзининг ҳудуди, аҳолиси ва табиий захиралари жиҳатидан муҳим мавқега эга эди.

Бизга маълумки, XVI-XVIII асрларда ва ундан кейин ҳам Ўзбекистон ҳудудида расмий тил ўзбек тили эди. Тожик тили ўзбек аҳолисининг маълум қисми учун (хусусан Зарафшон водийсининг айрим шаҳар ва тоғли қишлоқларида) иккинчи тил ҳисобланган [3.273-б.]. Эски ўзбек тили Мовароуннаҳрда тожик-форс тили билан жуда яқин вад доимо узвий алоқада ривожланди. Шунинг учун бўлса керак, Мовароуннаҳр аҳолисининг талай қисми, айниқса, зиёлилар табақаси икки тилда: туркий ва тожик тилида сўзлашар ва ёза олар эди.

Бухоро амирлиги аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб, кўплаб ўзбек уруғлари вакиллари амирликнинг деярли барча ҳудудларида яшаганлар. Аҳоли таркибида бўлган тожиклар Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ургут, Китоб каби шаҳарларда, тоғли туманларда, жумладан, Панжикент, Вахш, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб, Шахрисабз, Қобадийн, Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида истиқомат қилганлар.

Шунингдек, туркманлар ҳам Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жиҳатдан катта қисмини ташкил этган. Улар амирликка қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида

жойлашган ерларда, яъни, унинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. Кўриб ўтиладиган ҳудуд аҳолисининг кичик қисмини араблар ташкил этган бўлиб, улар асосан Қарши ва Шеробод бекликларида яшаганлар.

Амирликдаги аҳолининг ярмидан кўпроғини ўзбеклар ташкил этиб, улар асосан Зарафшон водийсида, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида ўрнашганлар. Жами аҳолининг 30% ини ташкил этган тожиклар қисман Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида, асосан унинг тоғли ҳудуди бўлган Шарқий Бухорода истиқомат қилганлар. Амударёнинг ўнг қирғоғида, Чоржўй ва Каркида яшовчи туркманлар эса амирлик аҳолисининг 10 % ини ташкил этган. Бундан ташқари, Кармана ва Нуротада ўзбек қабилалари билан бир қаторда қозоқлар, Бухоро ва Самарқанд шаҳрида кўплаб ўзбек ва тожиклар билан бирга яхудийлар [4. С.89], араблар, лўлилар ва афғонлар умргузаронлик қилганлар.

XX аср бошларида Бухоро амирлиги воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва этнотопонимлар масаласини ўрганишда Зарафшон водийси айниқса муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш жоиз, юқорида айтиб ўтилган сабаблар: маҳаллий аҳолининг этник мансублик масаласини турлича талқин қилиниши, икки тиллилик, баъзи жойларда тузилган комиссияларнинг ўз ишига масъулиятсизлик билан қарashi натижасида йиғилган маълумотларнинг бири-иккинчисига тўғри келмаслиги, ҳатто мутлақо тесқари бўлиши каби ҳолатлар ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. Жумладан, айрим жойларда аҳоли ўзига берилган “миллатингиз” деган саволга кўпинча “мусулмон” деб жавоб беришлари [5.С.19], айрим жойларда эса бундай саволга ўзлари яшайдиган жой номи билан “самарқандлик”, “бухоролик” деб жавоб қайтаришлари [6.С.17-20.] каби ҳолатлар анча-мунча учрайди.

Бухоро амирлигидаги ўрта даражадаги этник гуруҳлар - уруғларнинг аралаш яшаши ҳолати Амударё дельтасида ва Ўрта Зарафшон воҳасининг ғарбий қисмида кўпроқ кўзга ташланади. Ўзбек уруғлари бу ерларда яхлит ҳудудларни эгаллаб, ёйилиб яшамасдан, балки катта қишлоқларда яхлит уруғ бўлиб жойлашганлар. Бу ҳудудларда сарой, қўнғирот, манғит, қипчоқ, хитой, нукуз, найман, қиёт, асс, дурман, уйшун, жалойир, қанғли, турк, катағон, кераит, чандир, урганжи ва ҳ.к. уруғ номларидан ҳосил бўлган топонимлар кўпроқ тарқалган [7.С. 5-41, 62-72.].

XX аср бошлари Зарафшон воҳаси этнотопонимлари таркибида “туркман”, “қозоқ”, “қорақалпоқ”, “татар”, “қирғиз”, “ўзбек” этнонимлари билан аталган жой номлари учраши билан бир қаторда мазкур этник гуруҳларнинг таркибий бир қисми бўлмиш уруғ-қабила номларига алоқадор этнотопонимлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, ўзбек ва туркман уруғлари – баят, чандир, халаж, хидир-эли, иғдир; ўзбек ва қорақалпоқ уруғлари – ачамайли, дурман, манғит, митан-муитен, кенагас, катағон, қипчоқ, қўнғирот, хитой; ўзбек ва қозоқ уруғлари – найман, олчин ва ҳоказо этнотопонимлар воҳанинг бир неча вилоят ва туманларида учрайди [8. С.147, 149, 154-157, 161-164].

Шу ўринда Ўрта Осиё, хусусан, XX аср бошларида Туркистондаги ҳар бир кичик қишлоқ ёки овулнинг аҳоли таркибига назар ташланса, ҳар қандай аҳоли пунктида битта-иккитадан патриархал гуруҳ (уруғ ёки тармоқ)лар яшаган бўлиб чиқади. Минтақанинг чўл, дашт ва тоғли ҳудудлари (бугунги Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудлари)дан фарқли ҳолда Туркистон ўлкасининг марказий қисми (бугунги Ўзбекистон)даги воҳа ва тоғ, дарё водийларида аҳоли кенг чўлларга нисбатан анча зич бўлганлиги ҳудудда жуда кўп этник ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг яқин қўшни бўлиб, ҳатто йирикроқ қишлоқларда, маълум даражада, аралашиб яшашликлари учун ҳам шароит яратган.

XX аср бошларида Самарқанд вилояти топонимлари таркибий жиҳатдан жуда хилма-хил бўлиб, вилоятдаги ўндан ортиқ туманда этнотопонимлар аҳоли пунктлари номларининг ярмидан кўпини, Бухоро вилоятида эса сезиларли бир қисмини, Кармана (бугунги Навоий) вилоятида эса тахминан чорак қисмини ташкил этгани англашилади. Ҳатто Зарафшон водийсининг айрим жойларида (Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида) қабила-уруғ номларидан ҳосил бўлган топонимлар 80%ни ташкил этганлиги кузатилади. Агар Зарафшон воҳасидаги этнотопонимларни анъанавий “92 бовли ўзбек уруғи” рўйхати асосида кўриб чиқилса, 92 та ўзбек уруғидан 63 тасининг номи учраши, улардан 58 таси Самарқанд

вилоятида, 46 таси Бухоро вилоятида, 36 таси эса Навоий вилоятида учраши аён бўлади [9. С.144-184.].

XX аср бошларига оид топонимик материаллардан маълум бўлишича, “92 ўзбек уруғи” билан боғлиқ этнопонимлар Самарқанд вилоятининг Булунгур, Жомбой, Пахтачи, Иштихон, Пайариқ, Оқдарё, Каттақўрғон, Пастдарғом, Нуробод туманларида, Бухоро вилоятининг Гиждувон, Шофиркон, Олот, Қорақўл, Бухоро, Вобкент туманларида, Навоий вилоятининг эса Хатирчи, Нурота ва Кармана туманларида нисбатан кўп учрайди [9.С.184.]. Мазкур этнонимлар билан аталувчи қишлоқлар аҳолисининг кўпчилик қисми XX асрда асосан ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашишган. Айниқса, бу ҳолат Самарқанд ва Навоий вилоятлари орасида яққол кўзга ташланган бўлса [10.Б.406.], Бухоро вилоятида аксинча, ўзбек тилининг асосан қарлуқ, қисман эса ўғуз лаҳжаларида мулоқот қилганлар. Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларида яшовчи, асли келиб чиқиши туркийларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб бўлган бир қатор ўзбек уруғлари (дурман, манғит ва ҳк.)лар қарлуқ ва қарлуқ-ўғуз қоришиқ лаҳжасида сўзлашишга ўтганлар [11. Б.17.].

Аслида, ўзбек уруғларининг катта қисми ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи, асл келиб чиқиши Дашти Қипчоқ билан алоқадор уруғлар бўлса-да, XX асрга келиб уларнинг сезиларли бир қисми қарлуқ ва қарлуқ-қипчоқ қоришувидан иборат ўзига хос оралиқ лаҳжани юзага келтиришган. Бунинг замирида албатта муайян тарихий ва этномаданий жараёнлар ётиб, ўрта асрларда Зарафшон воҳасидаги Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарлар, Каттақўрғон, Иштихон, Ургут, Нурота, Кармана каби кичик шаҳар ёки қўрғонлар, шунингдек, бир неча ўнлаб қишлоқлар аҳолисининг чиғатой туркчаси (ёки қарлуқ лаҳжаси)да сўзлашганликлари омили ётади. Ушбу шаҳар ва қишлоқлар атрофида ўнлаб қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи, ўз этник номини сақлаган аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, улар XX аср атрофида тил жиҳатдан қарлуқлашиш жараёнига тортилган эдилар [10.Б. 403-405].

XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари мутлақо янги сиёсий воқеалар, ўзбекларнинг иқтисодий хўжалик ва этномаданий ҳаёти, анъанавий маданияти ва урф-одатларига кириб келган ўзгаришлар билан характерланади [12.Б.578.]. XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига бўлиниши узоқ асрлар давомида бир халқ бўлиб яшаб келган минтақа аҳолиси ҳаётида этник бирликни иккинчи даражага суриб юборган эди. Совет ҳокимиятининг миллий чегаралаш сиёсати туфайли 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилиб, уч давлат ўртасида бўлиниб кетган кўпчилик ўзбекларни битта республикада тўпланишига олиб келди. Бутун бир миллат ўзбек номи билан юритиладиган бўлди.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кундаги долзарб вазифа этнос муаммоси билан боғлиқ масалалардир. Минтақа аҳолисининг тарихан таркиб топишидаги узоқ давом этган этногенетик жараёнларни илмий асосли ўрганиш, минтақа этнослари орасида қадимдан давом этиб келган анъанавий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик фазилатлари, улар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий муносабатларни ҳар томонлама ўрганиш лозим.

Ҳар қандай жамият ҳаётида бундай туб, оламшумул ўзгаришлар босқичма-босқич, баъзан бир неча ўн йилликлар ва ҳатто асрлар давомида амалга ошади. Шу боис тарихий ўтмиш сабоқларини ҳисобга олмасдан, минтақамиздаги халқларнинг тарихий тажрибасидаги ижобий ва салбий жиҳатларни чуқур илмий таҳлил қилмасдан, шу жумладан, Ўрта Осиё давлатчилиги тажрибаларини ўрганмасдан, бугунги кунда буюк деб таърифлаш мумкин бўлган ҳозирги ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниш ва баҳолаш мумкин эмас.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Алимова Д.А., Аширова А.А. Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва минтақада юз берган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI-XIX аср биринчи ярми)

- Т.: “Янги нашр” 2011. 4- б. (Alimova D.A., Ashirov A.A. Sources of ethnic history of the peoples of Central Asia and demographic processes in the region (first half of the XVI-XIX centuries) Т. : "New edition" 2011. 4-p.)
2. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2010. 668-б. (An explanatory dictionary of basic concepts of spirituality. Т. : NMIU named after G. Gulom, 2010. 668 p.)
 3. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: “Университет”, 2007. 273-б. (Askarov A. Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. Т. : “Universitet”, 2007. 273-p.)
 4. О.А.Сухарева. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент: Академии наук УзССР, 1958. – С. 89. (O.A.Sukhareva. On the history of the cities of the Bukhara Khanate. Tashkent: Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1958. -- P. 89.)
 5. Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней. .. – С. 19 (Abashin S.N. Etnograficheskoe znanie i natsionalnoe stroitelstvo v Sredney. .. - С. 19)
 6. Сухарева О.А. Бухара XIX – нач. XX вв. – М.: Наука, 1966. – С. 127; Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). М., Наука, 1976. – С. 17-20. (Sukhareva O.A. Bukhara XIX - beginning, XX centuries - М. : Nauka, 1966. -- P. 127; O. A. Sukhareva Quarter community of the late feudal city of Bukhara (in connection with the history of the quarters). М., Nauka, 1976. -- p. 17-20.)
 7. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XXв.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. Т.: Университет, 2001. – С. 5-41, 62-72, (Settlements of the Bukhara Emirate (late XIX - early XX century) / Materials for the historical geography of Central Asia. Under. Ed. A.R. Mukhammedzhanov. Т. : University, 2001. -- S. 5-41, 62-72,)
 8. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана. .. – С. 147, 149, 154-157, 161-164. (Askarov A. History of the origin of the Uzbek people. Т. : “Uzbekistan”, 2015. 578-p.)
 9. Туйчиев У. История расселения народов Узбекистана (по данным топонимии Зарафшанской долины): Автореф...канд. дис. Т.,1990; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана... С. 144-184 (Tuychiev U. The history of the settlement of the peoples of Uzbekistan (according to the toponymy of the Zarafshan valley): Author's abstract. .. cand. dis. Т., 1990; Malikov A.M. Türkic ethnonyms and ethnotonyms of the Zerafshan valley. .. pp. 144-184)
 10. Ўзбек халқ шевалари луғати. Масъул муҳаррир Ш. Шоабдурахмонов. Т., 1971. – Б. 406. (Dictionary of Uzbek folk dialects. Responsible editor Sh. Shoabdurahmonov. Т., 1971. - B. 406.)
 11. Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шевалари лексикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: ТошДЎТАУ: 2018. – Б. 17. (Allaberdiev A. Vocabulary of Bukhara Oghuz dialects. Author's abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in philological sciences. Т. : ToshDO'TAU: 2018. - B. 17.)
 12. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т.: “Ўзбекистон”, 2015. 578-б.